Сув китоб
тўплами

14 - китоб

Пиёзни суғориш

Agrobank | Agrobooks

Сув китоб тўплами

Пиёзни суғориш

14-китоб

Тошкент – 2025

Сувга муносабат ўзгармас экан, ҳосилдорликни
ошириш ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас.

Ш.МИРЗИЁЕВ.

Ҳурматли фермерлар, сувчи ва мироблар!

Бугунги кунда сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш масаласи бутун дунёда тобора долзарб бўлиб бормоқда. Хусусан, қишлоқ хўжалигида сувдан самарали фойдаланиш нафақат ҳосилдорликни ошириш, балки экологик мувозанатни сақлаш, тупроқ унумдорлигини ҳимоя қилиш ва келажак авлод учун сув захираларини асраб-авайлаш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Муҳтарам Президентимиз ташаббуси билан «Агробанк» АТБ томонидан мамлакатимизда сув хўжалигини янада ривожлантириш мақсадида сув лойиҳалари маркази ташкил этилди. Шу билан бирга фермер ва сувчиларнинг малакасини ошириш, уларнинг хорижий билим ва кўникмаларга эга бўлиши учун «Сувчилар мактаби» фаолияти йўлга қўйилди. Сув тежовчи технологияларни жорий қилишни молиялаштириш мақсадида эса suvkredit.uz шаффоф онлайн платформа шакллантирилди.

Қўлингиздаги ушбу китоб аграр соҳада сувдан оқилона фойдаланишнинг илмий ва амалий жиҳатларини ўз ичига олган ҳолда, деҳқон-фермерлару боғбонлар, томорқасида зироатчилик билан машғул бўлган фуқаролар, сув хўжалиги мутахассислари ва барча қизиққан шахслар учун муҳим қўлланма бўлиб хизмат қилади, деган умиддамиз. Унда замонавий суғориш технологиялари, сув тежаш усуллари, инновацион ёндашувлар ва халқаро тажрибалар тўғрисида ўта зарур маълумотлар ва тавсиялар жамланган.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, сувдан тежаб-тергаб фойдаланиш фақат технологик ёндашув билангина чекланмай, балки инсоннинг онгли муносабатига ҳам боғлиқдир.

Муҳтарам Юртбошимиз таъкидлаганларидек, «Сув текин эмас» деган ғояни чуқур англашимиз даркор. Зотан, сувни тежаш маданиятини шакллантириш, уни исроф қилмаслик ва ҳар бир томчини қадрлаш ҳаётимиз сифатини яхшилашга хизмат қилади.

Ушбу китоб барча соҳибкорлар учун фойдали илмий ва амалий манба бўлиб, қишлоқ хўжалигида сувдан фойдаланиш самарадорлигини оширишга ҳисса қўшишига аминмиз.

Давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилаётган сув масаласи янада мураккаблашиб бораётган бугунги кунда бизнинг “Агробанк” АТБ жамоаси ҳам сизга кўмакдошдир.

Эркин Кахоров,
“Агробанк” АТБ Бошқарув раиси

ЛОЙИҲА ҒОЯСИ ВА ТАШАББУСКОРЛАРИ:

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI SUV XO‘JALIGI VAZIRLIGI

Agrobank

TIQXMMI MILLIY TADQIQOT UNIVERSITETI

Тузувчи:

С.А. Юнусов – Тошкент давлат аграр университети Сабзавотчилик ва иссиқхона хўжалигини ташкил этиш кафедраси профессори, қ.х.ф.д.

Тақризчи:

Ж.Н.Файзиев – Академик М.Мирзаев номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институти “Мевали экинлари агротехникаси ва коллекцияси” бўлими бошлиғи. қ.х.ф.д. профессор.

Муҳаррир:

Т.Долиев - “Ўзбекистон қишлоқ ва сув хўжалиги” журнали бош муҳаррири.

Мазкур қўлланма “Агробанк” АТБ ташаббуси билан тайёрланди ҳамда нашр эттирилди. Билдирилган фикр-мулоҳаза, хулоса ва тавсиялар учун тузувчи муаллифлар масъулдир.

Сув хўжалигини илмий қўллаб-қувватлаш ҳамда сув тежамкор технологияларни кенг жорий қилишга қаратилган лойиҳалар доирасида 30 та қўлланмадан иборат «Сув китоб» тўплами тайёрланди. Ушбу тўпламда қишлоқ хўжалигида сувни тежовчи технологиялар ҳамда автоматлаштирилган суғориш тизимлари ва бошқа инновацион ечимлардан фойдаланиш бўйича кенг қамровли маълумотлар жамланган. Шунингдек, замонавий ёндашувлар ва илғор хорижий тажрибалар мисолида сув ресурсларини самарали бошқариш ва фойдаланиш бўйича тавсиялар келтирилган.

«Сув китоб» тўплами қишлоқ хўжалигида сувдан оқилона фойдаланиш орқали ҳосилдорликни ошириш бўйича илмий ишланмалар, амалий тадқиқотлар ҳамда инновацияларга оид қимматли маълумотларни ўз ичига олади. Зеро, сув – бебаҳо неъмат. Унинг ҳар бир томчисини асраш келажак авлодлар олдидаги бурчимиздир.

ISBN 978-9910-8045-3-3

“Агробанк” АТБ – 2025
“O‘qituvchi nashriyoti” – 2025

МУНДАРИЖА

КИРИШ.....6
1. ПИЁЗНИНГ СУВГА БЎЛГАН ТАЛАБИ.....11
1.1. Пиёз навлари ва уларнинг сувга бўлган эҳтиёжи.....11
1.2. Пиёзни ўсув даврлари ва сув сарфи.....12
1.3. Пиёзни суғоришни ҳосилдорлик ва ҳосил сифатига таъсири.....14
2. ПИЁЗНИ СУҒОРИШ УСУЛЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ....16
2.1. Пиёзни анъанавий (эгатлаб суғориш усули).....16
2.2. Пиёзни томчилатиб суғориш.....17
2.3. Пиёзни ёмғирлатиб суғориш.....19
3. Пиёзни суғориш усулларини тақкосланиши.....22
3.1. Пиёз етиштиришда тупроқ намлигини сақлаш усуллари.....27
4. ПИЁЗНИНГ СУҒОРИШ РЕЖАСИ.....32
4.1. Пиёзни ўсув даврларига қараб суғориш меъёрлари.....32
4.2. Сувни тежаш ва мақбул суғориш стратегиялари.....35
4.3. Пиёзни суғоришдан кейинги агротехник тадбирлар.....45
5. ХОРИЖ ТАЖРИБАСИ: САМАРАЛИ СУҒОРИШ УСУЛЛАРИ ВА ИЛҒОР ТЕХНОЛОГИЯЛАР.....47
5.1. **АҚШ** – Томчилатиб суғориш ва автоматлаштирилган мониторинг.....47
5.2. **Нидерландия** – Ёмғирлатиб суғориш ва тупроқ намлигини сақлаш.....50
5.3. **Исроил** – Ақилли бошқарув тизимлари.....52
5.4. **Ҳиндистон** – Ақилли бошқарув тизимлари.....55
5.5. **Хитой** – Ақилли бошқарув тизимлари.....58
ХУЛОСА ВА ТАВСИЯЛАР.....62
ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....64

КИРИШ

Ҳозирги кунда жаҳонда пиёз экин майдонлари ва ҳосили бўйича сабзавотлар орасида етакчи ўринни эгаллайди. 2021 йилда дунё бўйича 106 миллион тоннадан ортиқ пиёз етиштирилгани қайд этилиб, йил сайин унинг ишлаб чиқариш ҳажми ошиб бормоқда. Ўзбекистонда ҳам мазкур сабзавот экинидан ҳозирги кунда тахминан 2,7 миллион тоннага яқин ҳосили етиштирилади.

Бу экиннинг озиқ-овқат саноатидаги ўрни беқиёс бўлиб, янги, қуритилган ва қайта ишланган (қуритилган кукун) турларида ишлатилади. Шу боис пиёз маҳсулотига бозордаги талаб йилдан-йилга ортиб бормоқда. Пиёз нафақат аҳоли талабини қондириш, балки деҳқон ва фермер хўжаликлари даромадини оширишда ҳам муҳим ўрин тутади.



Пиёз экини – сувга талабчан экинлардан бири бўлиб, унинг самарали ўсиши ва сифатли ҳосил олиш учун суғориш муҳим аҳамиятга эга. Пиёзнинг илдиз тизими нисбатан заиф ва тупроқнинг юзаки қисмида бўлгани сабабли, тупроқдаги намликни доимий сақлаш мақсадга мувофиқ. Пиёзнинг таркибида 85–90 фоиз сув бўлиб, у етиштирилаётган нав, қўлланиладиган агротехника ҳамда ўстирилаётган тупроқ-иқлим шароити билан боғлиқдир. Пиёз таркибидаги органик моддалар қанд ва эфир мойининг кўп ёки камлигига кўра, ўсимлик таъми аччиқ ёки чучук бўлиши аниқланади. Пиёзнинг 100 г хом моддаси таркибидаги қуруқ моддалар миқдори 9–11% дан 16–22% гача, умумий қанд миқдори 6–8% дан 10–11% гача, эфир мойи эса 10–20 дан 26–130 мг гача бўлади. Пиёз таркибидаги моддаларнинг ўзгариши албатта суғориш меъёрига боғлиқ.

Пиёзнинг уруғи одатда оддий ва дорили сувда 18–24 соат давомида ивитилган ҳолда экилади. Ўсимлик уруғи экилгандан бошлаб, тупроқ намлигини таъминлаш мақсадида униб чиққунча

тез-тез суғориш талаб этилади. Тупроқдаги нисбий намлик 75–80 % ни ташкил этиши керак. Агар пиёзни суғориш ўз вақтида амалга оширилса, гектардаги кўчатлар сони тўлиқ бўлиши, пиёз тез ўсиб ривожланиши, пиёзбошларининг сифатли ва бир хилда шаклланиши таъминланади. Шунингдек, суғориш сув ресурсларини тежаш, тупроқнинг физик-кимёвий таркибини сақлаш ва ўсимликнинг касалликларга чидамлилигини оширишда муҳим аҳамият касб этади.

Нотўғри суғоришдан келиб чиқадиган муаммолар

Пиёзни суғориш меъёрига риоя қилинмаса ёки нотўғри усуллар билан суғорилса, қатор муаммолар юзага келиши мумкин:

Пиёзни меъёрдан ортиқ суғориш

Пиёзни ўсув даврида сув миқдори меъёридан кўп бўлса, тупроқда ҳаддан ташқари намлик йиғилади, бу эса илдизларнинг чиришига ва замбуруғли касалликларнинг пайдо бўлишига олиб келади. Шунингдек, кислород етишмовчилиги сабабли пиёзнинг

ўсиши секинлашади. Поялари сарғаяди ва ўсишдан тўхтайди. Пиёзни меъёридан ортиқча суғориш дала майдонидаги сув сарфини ва харажатларнинг ортишига олиб келади. Кўп суғориш пиёз экинидан кейинги экиладиган экинлар учун ҳам зарарли, чунки тупроқдаги сизот сувларининг кўтарилишига сабаб бўлади. Шу билан бирга кейинги экиннинг яхши етилмаслигига олиб келади.

Пиёзни суғориш ишларининг нотўғри амалга оширилиши, яъни куннинг иссиқ вақтларида сув бериш сувнинг тез буғланиб кетиши ва исиб қолишига, натижада пиёз кўчатларининг куйиши, сарғайиши ва нобуд бўлишига олиб келади. Бу ҳолат дала майдонидан олинадиган пиёз маҳсулоти самарадорлигини пасайтиради. Сувнинг исроф бўлиши, буғланиши ва ортиқча иқтисодий зарарга ҳам сабаб бўлади. Шу билан бирга, бу ҳолатдаги суғоришдан кейин тупроқнинг механик таркиби бузилади. Пиёзни меъёрдан ортиқча суғориш бегона ўтларнинг кўпайишига ҳам олиб келади.

Пиёзни суғоришда сув таркибининг номутаносиблиги муҳим кўрсаткич. Суғориш учун ишлатиладиган сувда туз миқдори юқори бўлса, тупроқ шўрланишига сабаб бўлади ҳамда ўсимликнинг озиқа моддаларини ўзлаштириш қобилияти пасайишига олиб келади.

Пиёзни етарли даражада суғормаслик

Пиёзни меъёрда суғормаслик, яъни сув танқислиги пиёз кўчатларининг нобуд бўлиши, даладаги ўсимлик сонининг камайишига олиб келади. Шу билан бирга пиёзбошларнинг нотўғри шаклланишига, уларнинг ҳосили майда бўлишига ва истеъмолга яроқсиз ҳосилнинг кўпайишига сабаб бўлади. Айниқса, вегетация давринининг муҳим босқичлари, ҳосил шаклланиш даврида сув етишмовчилиги оқибатида пиёз деформацияланиб қинғир-қийшиқ ўсади.

Пиёз экилган дала майдонидаги кўп йиллик бегона ўтларнинг кўпайиши, умумий пиёз ҳосилининг камайишига ва иқтисодий самарадорликнинг пасайишига олиб келади.

1. ПИЁЗНИНГ СУВГА БЎЛГАН ТАЛАБИ

1.1. Пиёз навлари ва уларнинг сувга бўлган эҳтиёжи

Пиёзнинг турли навлари сувга бўлган талабчанлик даражаси бўйича бир-биридан фарқ қилади. Эртапишар, ўртапишар ва кечпишар навларнинг ҳар бирига турлича суғориш меъёрлари қўлланилади. Бу албатта, ўсимликнинг ўсув даври давомийлиги ва ташқи мухит омилларига боғлиқдир.

Пиёзнинг **эртапишар** навлари уруғ униб чиққандан ҳосил пишиб етилгунга қадар ўсув даври 50–80 кунни ташкил этади. Бу навлар камроқ сув талаб қилади, аммо мунтазам равишда тупроқдаги намликни сақлаш зарур бўлади. Асосий сувга бўлган талаб пиёзбошларнинг шаклланиш даврига тўғри келади, шу боис бу даврда тез-тез суғорилади. Пиёзнинг эртапишар навларига “Зафар”, “Сумбула”, “Манас”, “Дайтона F_1”, “Родар F_1”, “Робин F_1”, “Сибир F_1”ва “Универсо F_1” каби дурагайлар киради.

Пиёзнинг **ўртапишар** навлари ўсув даври 90–120 кунни ташкил этиб, сувга бўлган талаби ўртача. Сув сарфининг асосий қисми пиёзбошларнинг шаклланиш даврига тўғри келади. Ўртапишар нав турларига “Истиқбол”, “Қоратол”, “Банко”, “Елоу Спаниш”, “Вольф F_1”, “Кассиопеа F_1” кабилар киради.

Пиёзнинг **кечпишар** нави 120 кун ва ундан кўпроқ муддатда пишиб етилади. Ушбу навлар сувни кўпроқ талаб қилади. Чунки ўсимликнинг ўсув даври узоқ бўлганлиги сабабли кўп суғорилади. Пиёзнинг кечпишар навларига “Каба–132”, “Испанский-313”, “Самарқанд қизили-172”, “Леоне”, “Марғилон узун маҳаллийси”, “Андижон оқ пиёзи” кабилар киради. Кечпишар навларни етиштиришда сув тежовчи усулларни қўллаш муҳим ҳисобланади.

Родар F_1

Робин F_1

Дайтона F_1

1.2. Пиёзнинг ўсув давр ва сув сарфи

Пиёзнинг ўсиш ва ривожланиш жараёни 3 асосий босқичдан иборат: уруғларнинг униб чиқиши ва илдиз тизимининг ривожланиши; пиёзбошларнинг шаклланиши ва ривожланиши; пиёзбошларнинг пишиши ва пояларининг қуриши.

Уруғларнинг униб чиқиши ва илдиз тизимининг ривожланиш даври уруғлар экилгандан 45 кунгача бўлган даврни ўз ичига олади. Бу даврда ниҳоллар пайдо бўлгунча ҳар 3-4 кунда бир, ўсимлик илдизлари ривожланиши учун ҳар 7–10 кунда бир марта

суғорилади. Пиёз уруғларининг униб чиқиши 10 кундан 25 кунгача давом этиши мумкин. Шу даврда тупроқнинг юза қисмигача намлик сақланиши учун тез-тез суғориб турилади ва тупроқ намлигини 70-80 фоиз ушлаб туриш мақсадга мувофиқ. Агар пиёз экилган майдон чириган гўнг, шоли қипиғи, торф ёки биогумус билан мульчаланса, у ҳолда суғоришлар сони 2-3 мартага камаяди. Шу билан бирга, ниҳолларнинг тез униб чиқиши, қатқалоқ бўлмаслиги ва кўчат сони сақланиб қолишига эришиш

мумкин. Пиёзни суғориш меъёри бу даврда умумий 8-10 марта режалаштирилган бўлса, ҳар бир суғоришда гектарига 400 м^3 3200-4000 м^3 сув сарфланади.

Пиёзбошларнинг шаклланиши ва ривожланиш даври 45 кундан 90 кунгача бўлган оралиқни ташкил этади. Бу даврда ўсимликнинг сувга бўлган талаби юқори бўлиб, ҳар 5-7 кунда бир марта суғориш тавсия этилади. Чунки бу даврда пиёзбошлар шаклланиши учун тупроқдан озиқ моддаларни кўпроқ талаб қилади. Бу озиқ моддаларнинг эриши ва ўсимлик илдизи ўзлаштириши учун намлик керак бўлади. Натижада ўсимликлар орасидаги микроиқлимни таъминлаш учун талаб даражасида суғориш керак бўлади. Пиёзнинг суғориш меъёри бу даврда умумий 7–9 марта бўлса, ҳар бир суғоришда гектарига 500 м^3 дан 3500-4500 м^3 сув сарфланади.

Пиёзбошларнинг пишиши ва пояларининг қуриш даври 90 кундан 120 кунгача бўлган оралиқни ташкил этади. Бу даврда ўсимликнинг сувга бўлган талаби камаяди. Ҳосил йиғишдан 2

ҳафта олдин суғориш тўхтатилади. Чунки бу даврда пиёзбошлар пишиб етилади. Сўнгра пояларнинг қуриши бошланади. Агар пиёз поялари қуригандан кейин ҳам суғориладиган бўлса, ҳосил йиғиб олгач, узоқ муддатгача сақланмайди. Ҳосил йиғиб олиш қийинлашади. Пиёзбош таркибида қанчалик сув кам бўлса, унинг сақланувчанлиги шунча яхши бўлади. Пиёз таркибида сув кўп бўлса, маҳсулотнинг қизиши ва чириши кузатилади. Шунинг учун бу даврда суғоришга эътиборли бўлиш зарур. Бу даврда пиёзни суғориш 1-2 марта бўлса, гектарига 500 $м^3$ дан 500–1000 $м^3$ сув сарфланади.

Пиёз етиштириш даврида умумий 7200–9500 $м^3$/га сув сарфланиши кузатилиши мумкин. Шунинг учун ушбу қўлланмада пиёз етиштиришга сарфланадиган сувнинг тежамкор усулларини ишлаб чиқаришга жорий қилиш талаб этилмоқда.

1.3. Пиёзни суғоришнинг ҳосилдорлик ва ҳосил сифатига таъсири

Тадқиқот натижаларидан маълумки, тупроқ тури, иқлим шароитлари танлаш ва агротехник тадбирларни тўғри ўтказиш пиёз ҳосилдорлигини оширган. Пиёзни суғориш, даладаги тупроқ намлигини меъёрда сақлаш энг асосий тадбирлардан бири ҳисобланади. Тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, пиёзни суғоришдаги камчиликлар унинг ҳосилдорлиги ва ҳосил сифатига салбий таъсир қилади. Суғоришни ўз вақтида сифатли ўтказиш юқори ҳосил ва иқтисодий самарадорлик гаровидир. Меъёрда суғориш пиёз ўсимлигининг яхши ўсиб ривожланиши, тупроқдаги моддалар алмашинуви ва илдизининг нафас олиши ҳамда озиқ моддаларни ўзлаштириш имкониятини оширади.

Бугунги кунда пиёз ўсимлигидан гектарига 90-100 тоннагача сифатли ҳосил олаётган фермер ва томорқа ер эгалари мавжуд. Бу натижага эришишда юқорида айтганимиздек ҳудуд, тупроқ иқлим

шароитини тўғри танлаш ва илғор технологияларни қўллаш муҳим аҳамиятга эга.

Суғориш ишларини меъёрда олиб бориш ва ресурс тежовчи технологиялар қўллаш ҳосилдорликнинг ортиши, яхши сақланишига сабаб бўлади. Шу билан бирга, ҳосилнинг бир текис стандарт шаклли ва бир хил ҳажмда бўлиши кузатилади. Ҳосил сифатини яхшилашда суғориш муддатлари ва меъёрларини тўғри танлаш ва сифатли олиб боришни ташкил этиш керак. Сувни вақтида ва меъёрида бермаслик маҳсулотни майда, қинғир-қийшиқ ва сифатсиз бўлишига олиб келади. Ортиқча суғориш эса маҳсулот сифатининг бузилиши, яъни касалланиши, чириб кетиши ва узоқ сақланмаслик каби салбий оқибатларга олиб келади. Пиёз ҳосилини сақлаш даврида замбуруғли бўйин чириш касаллигининг пайдо бўлиши суғориш муддати ва меъёрига амал қилмаслик оқибатида пайдо бўлади. Натижада маҳсулот сифати пасаяди ва нотовар ҳосил миқдори ортади. Пиёзни тўғри суғориш тизимини қўллаш фермерлар, аҳоли томорқа хўжаликларига юқори ҳосил ва сифатли пиёз олиш имконини беради.

2. ПИЁЗНИ СУҒОРИШ УСУЛЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ

2.1. Пиёзни эгатлаб суғориш (анъанавий) усули

Эгатлаб суғориш (анъанавий) усули – қадимдан қўлланиб келинаётган анъанавий суғориш усули бўлиб, пиёз экилган дала майдони бўйлаб кичик эгатлар ва қатор жўяклар қазилиб, сув шу эгатлар орқали ер майдонига тарқатилиб суғорилади. Оддий қилиб айтганда, пиёз қатори орасидаги эгатлар орқали сув оқизиб суғорилади. Бу усулнинг **афзаллиги** шундаки, уни ташкил этиш жуда осон ва арзон, махсус техника ёки қиммат ускуналар талаб этилмайди. Фақат ерни текислаб эгатлар очиш кифоя. Деярли ҳар бир фермер, томорқа ер эгалари бу усулни яхши билади ва пиёз етиштиришда қўллаб келган. Пиёзни суғоришда эгатлар орқали катта майдонларни ҳам бир вақтнинг ўзида суғориш мумкин.

Камчиликлари шуки, бу усулда пиёзни суғоришда сув сарфи анча юқори бўлган сувнинг кўп қисми бефойда исроф бўлиш эҳтимоли катта. Масалан, эгатнинг бошидан охирига етгунча сувнинг маълум қисми ерга сингиб кетади ёки буғланиб кетади. Шу сабабли бугунги кунда пиёзни эгатлаб суғориш усулининг самарадорлиги паст бўлиб, маълумотларга кўра, сувнинг 50–60 фоизигача **исроф бўлиши** аниқланган. Бундан ташқари, пиёз экилган ер майдони жуда текис бўлмаса, сув қамраб олган ҳудудда нотекис суғориш кузатилади. Масалан, майдоннинг юқори қисмига камрок, пастки қисмига эса ортиқча сув тўпланиши мумкин. Натижада баъзи ерларда ҳаддан ташқари кўп намлик тўпланиб қолса, бошқа ерларда сув етишмай қолиши мумкин.

Шунингдек, пиёзни эгатлаб суғориш жуда кўп қўл меҳнатини талаб қилади. Экинни суғоришда сувни ўз вақтида бошлаш ва тўхтатиб туриш, ҳар бир қатор орасига кириб чиқиб, сувни йўналтириб туриш керак бўлади. Эгатлар орасидаги тупроқ қуриганда қаттиқ қотиб, қатқалоқ бўлиши ёки эрозияга учраши мумкин. Бу эса кейинчалик ерга ишлов беришни қийинлаштиради.

2.2. Пиёзни томчилатиб суғориш

Томчилатиб суғориш – пиёзни суғоришнинг замонавий усули бўлиб, бунда сув махсус пластик қувурлар орқали оз-оздан бевосита ҳар бир ўсимликнинг илдиз бўғизига томчилаб туради. Томчилатиб суғориш тизимида пиёз қатори бўйлаб ётқизилган узун қувурларда ҳар 10-15 см масофада кичик тешикчалар орқали сув секинлик билан сизиб чиқиб, томиб туради. Пиёз экилган тупроқни намлаб боради. Одатда, ҳар бир томчилагич соатига 4–5 литр атрофида сув чиқаради, шу боис сув ерга аста-секин сингиб, пиёз илдизлари атрофида доимий намлик ҳосил бўлади.

Бу усулнинг **афзалликларидан** бири шуки, унинг сув тежашдаги аҳамияти жуда катта. Пиёзни томчилатиб суғориш

анъанавий суғоришга нисбатан сезиларли даражада кам сув талаб қилади. Тажрибаларга кўра, бир хил майдонни суғориш учун томчилатиб суғориш усули эгат усулига қараганда гектарига 40–50% кам сув сарфлайди. Сабаби сув кераксиз жойга оқиб кетмайди, тупроқ юзасида ҳаддан ташқари буғланмайди ва ҳар бир томчи ўсимлик илдиз бўғизига томиб, тегишли қисмига етиб боради. Пиёз илдиз тизими барқарор намлик билан таъминланади.

Пиёзни томчилатиб суғоришда сув билан бериладиган озиқа моддалар (ўғитлар)ни ҳам томчилатиб суғориш орқали бериш мумкин. Натижада ўсимликларни озиқлантириш самарадорлиги ортади ва ўғитлар бир текис тарқатилади. Пиёзни томчилатиб суғоришда ҳар бир ўсимликнинг илдизи тарқалган тупроқ қисми доимий нам бўлади, бу эса ўсимликнинг барқарор ўсиши ва илдиз озиқ моддаларни ўзлаштиришига хизмат қилади. Суғориш фақат илдиз бўғизига яқин жойда амалга оширилгани боис, ўсимликларнинг қатор орасидаги эгатлар қуруқ қолади ва бегона ўтлар камаяди. Демак, сув тегмаган ерда бегона ўт униб чиқмайди. Пиёзни томчи-

латиб суғоришда замбуруғли касалликлар хавфи сезиларли равишда камаяди.

Пиёзни томчилатиб суғоришнинг яна бир катта афзаллиги шуки, сув бериш жараёнини автоматлаштириш имкониятини беради. Бунда қўл меҳнати кам бўлиб, махсус таймер ёки датчиклар ёрдамида белгиланган вақтда сув берилади ва белгиланган муддатда ўчади. Натижада деҳқоннинг меҳнати ва вақти тежалади.

Албатта, пиёзни томчилатиб суғоришнинг айрим **камчиликлари** ҳам бор. Дастлабки сарф-ҳаражат юқори. Булар техник талаблар бўлиб, тизимни ўрнатиш учун аввало баъзи бошланғич харажатлар талаб этилади (қувурлар, насос, фильтр ва томчилагич найлар хариди). Шунингдек, сувни тозалаб туриш (қум ва оҳак тўпланмаслиги учун фильтр қўйиш) керак бўлади, акс ҳолда кичик томчилагич найлар тиқилиб қолиши мумкин. Ҳудуд электр энергияси билан таъминланган бўлиши лозим. Лекин бу муаммолар хавотирли эмас – сифатли жиҳозлар ва ўз вақтида амалга оширилган чора-тадбирлар орқали уларни осон бартараф этиш мумкин. Умуман олганда, пиёзни томчилатиб суғориш сувни энг тежамли ва самарали сарфлайдиган усул бўлиб, сув танқис бўлган ҳудудларда яҳши самара беради.

2.3. Пиёзни ёмғирлатиб суғориш

Ёмғирлатиб суғориш – бу усулда сув махсус мосламалар ёрдамида майда томчилар ҳолатида осмонга пуркалади ва сунъий ёмғир шаклида ерга ёғилади. Худди табиий ёмғир сингари сув кенг майдонга сепилади ва бир вақтнинг ўзида кўплаб ўсимликлар намланади. Пиёзни ёмғирлатиб суғориш учун турли техникалар қўлланилади. Масалан, кўчма ёмғирлатгичлар (далалар бўйлаб ўзи юриб сув сепувчи мосламалар) ёки стационар тизимлар (махсус қувур ва шланг учлари ўрнатилиб, доимий турувчи пуркагичлар). Жаҳонда бу усул АҚШ, Европа, Россия каби қишлоқ хўжалиги ривожланган мамлакатларда кенг қўлланиб келинмоқда.

Бу усул жуда кенг тарқалган бўлиб, ёмғирлатиб суғориш сабзавот ва полиз экинларидан тортиб донли ва ем-хашак экинларигача, ҳатто боғлар ва дала экинлари учун ҳам фойдаланилади. Айниқса, ер юзасидан оқизиб суғориш қийин бўлган майдонлар (масалан, тоғ олди, тоғли ёки адирлик ҳудудлар) да ёмғирлатиб суғориш қулайдир. Сув босим орқали қувурларда келиб, ҳар бир нуқтага етказилгани учун ернинг нотекислиги билинмайди.

Бу усулнинг афзаллиги шундан иборатки, сув даланинг бутун юзасига бир текисда тарқалади. Ҳар бир ўсимликка қарийб бир хил миқдорда намлик етади. Бунда нафақат тупроқ, балки атмосферанинг ерга яқин қатлами ҳам намланади. Ҳаво ҳарорати бироз пасайиб, намлик ошиши натижасида ўсимликлар учун қулайроқ микроиқлим ҳосил бўлади. Ёмғирлатиб суғориш вақтида томчилар ўсимликларнинг баргларини чанг-тўзондан ювади, бу эса уларнинг “нафас олиши”ни яхшилаб, фотосинтез жараёнини фаоллаштиради. Сув ерга майда томчилар ҳолида ва меъёрида тушгани учун тупроқ ҳам кўп емирилмайди, эрозия хатари камаяди.

Пиёзни ёмғирлатиб суғоришда сувнинг сарфи далада аниқроқ назорат қилинади ва ортиқчаси оқиб кетмайди. Натижада сув тежалиши таъминланади, анъанавий усулга нисбатан тахминан 30–40% камроқ сув сарфланади. Бугунги кунда замонавий ёмғирлатиб суғориш усуллари (масалан, Center Pivot тизимлари) ярим ва тўлиқ автоматлаштирилган бўлиб, катта майдонларни суғоришда яхши самара беради.

Пиёзни ёмғирлатиб суғоришда ўнлаб гектар ерни суғориш мумкин, бу эса қўл меҳнатини 90% гача камайтиради. Илгари бир нечта сувчи ишлайдиган майдонни ушбу усулда бир киши компьютер ёки пульт орқали бошқара олади. Ёмғирлатиб суғориш усулида, шунингдек, сувга эритилган ўғитларни ёки ҳатто ўсимликларни ҳимоя қилувчи кимёвий моддаларни (фунгицид, пестицид каби) қўшиб, катта майдонга бир маромда сепиш имкони ҳам мавжуд.

Ёмғирлатиб суғоришнинг камчиликлари шуки, бошланғич харажатлари мавжуд бўлиб, насослар ва пуркагич ускуналар керак бўлади, бу эса бошланғич сармоя талаб қилади. Шунингдек, кучли шамолли кунларда сув томчилари йўналтирилган жойидан чалғиши ёки ҳавода тез буғланиб кетиши мумкин. Бу, албатта, суғориш самарадорлигини пасайтиради. Бундан ташқари, чет элда кўпроқ қўлланиладиган айрим ёмғирлатиб суғориш тизимлари (хусусан, доира шаклида айланиб суғорадиган Center Pivot), квадрат майдоннинг бурчак қисмларини суғора олмайди, натижада катта майдоннинг 20% атрофидаги қисми сувсиз қолиши мумкин. Албатта, бу муаммони бурчакларга алоҳида қўшимча пуркагич ўрнатиб ҳал қилиш мумкин, лекин бу яна қўшимча харажат, демакдир. Шундай бўлса-да, ёмғирлатиб суғориш умумий ҳисобда анъанавий усулга нисбатан сувни тежайди ҳамда меҳнат ва вақтни тежашда жуда қимматли интенсив усул ҳисобланади.

3. ПИЁЗНИ СУҒОРИШ УСУЛЛАРИНИНГ ТАҚҚОСЛАНИШИ

Пиёз етиштиришда турли суғориш усулларининг самарадорлиги, сув тежаши, қўллаш қулайлиги ва харажатлар бўйича таҳлил қиладиган бўлсак, ҳар бир усулнинг ўзига хос афзаллик ва камчилик томонлари мавжуд.

Сувдан фойдаланиш самарадорлиги бўйича: Пиёзни анъанавий эгатлаб суғориш усули сувни энг кўп сарфловчи ва самарадорлиги паст усул деб ҳисобланади. Афсуски, бугунги кунда ушбу усул томорқа ва фермер хўжаликларида кенг фойдаланилмоқда. Бу усулда сувнинг катта қисми исроф бўлиши, ўсимлик тўлиқ фойдалана олмаслиги аниқланган. Эгатларда оқиб бораётган сув ерга фойдасиз сингиб кетиши ёки ҳавога буғланиши туфайли пиёз ўсимлигига етиб борадиган сув микдори камаяди. Шу боис бу усулни “сув исрофи энг кўп” усул, деб ҳам аташади.

Пиёзни **томчилатиб суғориш** энг юқори самарадорликка эга бўлган усул эканлиги аниқланган. Бу усулда берилган сувнинг деярли ҳаммаси тўғридан-тўғри ўсимлик илдизига етиб боради, сув йўқотиш даражаси (йўқотиш асосан 10% атрофида) паст.

Пиёзни ёмғирлатиб суғориш ҳам самарадор усул бўлиб, сувни маълум босим остида ва меъёр билан сепади, шу туфайли катта йўқотишлар кузатилмайди. Албатта, шамол ёки катта томчиларда бироз буғланиш ва четига сочилиш ҳолати содир бўлиши мумкин, лекин тўғри созланган тизимда сувнинг асосий қисми керакли жойни суғоради.

Экин тури	**Суғориш усули**		
	Эгатлаб	Томчилатиб	Ёмғирлатиб
Оддий пиёз	7000–9500 м³/га	3600–4750 м³/га	4300–5700 м³/га

Сув тежаш бўйича: пиёзни эгатлаб суғориш усулида “сув тежаш” тушунчаси деярли йўқ – аксинча, кўп ҳолларда режадан ҳам ортиқ сув сарфланиб кетади. Баъзан оқиб чиқаётган оқова сувдан қайта фойдаланишга ҳам ҳаракат қилинади. Лекин бу ҳам пиёзни суғоришда катта меҳнат ва эътибор талаб қилади, барибир сувнинг маълум қисми исроф бўлишини тўлиқ бартараф этиб бўлмайди.

Юқоридаги самарадорлик билан боғлиқ равишда, энг кўп сув тежайдиган усул – **бу пиёзни томчилатиб суғориш усули**. Мазкур технология сувни аниқ ва зарур миқдорда беради, натижада ортиқча сув сарфининг олди олинади. Тахминий ҳисоблар бўйича томчилатиб суғориш усули анъанавий (эгатлаб) суғоришга қараганда сув сарфини 2 бараваргача камайтириши мумкин. Яъни, бир майдон учун аввал 100 м^3 сув кетган бўлса, томчилатиб суғорилганда 40–50 м^3 атрофида сув етарли бўлади.

Пиёзни **ёмғирлатиб суғориш** ҳам яхши натижалар кўрсатади – у анъанавий усулга нисбатан 30–40% га камроқ сув талаб этади. Масалан, 1 гектар майдон учун эгатлаб суғориш билан, дейлик, 100 м^3 сув керак бўлса, ёмғирлатиб суғоришда шу ҳудуд 60–70 м^3 сув билан намланиши мумкин (албатта, бу аниқ миқдор техника тури ва об-ҳавога боғлиқ ҳолда ўзгариши мумкин).

Қўллаш қулайлиги (меҳнат талаб даражаси): пиёзни суғоришда усулларни қўллашдаги енгил-оғирлиги ҳам аҳамиятли омилдир.

Пиёзни **анъанавий** усул билан суғориш кўп жиҳатдан оддий туюлса-да, амалда у энг кўп меҳнат талаб қиладиган усул саналади. Чунки ҳар сафар суғориш учун деҳқон ўзи эгатлар орқали сувни тарқатиши, уни назорат қилиб туриши зарур. Сув оқиб турган вақтда майдон бўйлаб юриб чиқиб, ҳар бир қаторга сув тўғри кирганини назорат қилиш, керак жойда тўсиш ёки очиш орқали сувни ёйиш, ортиқчасини тўсиб қўйиш каби ишлар учун бир неча кишининг меҳнати талаб қилинади. Катта майдонларда ҳар бир сектор учун алоҳида сувчи керак бўлади.

Пиёзни томчилатиб суғоришни қўллаш эса жуда қулай. Пиёз даласига тизимни бир марта ўрнатиб олгандан кейин сув бериш жараёнини бошқариш, яъни кранларни очиб-ёпиш билан ёки автомат таймер орқали бошқариш мумкин. Экин майдонини суғориш муддатлари ва даврийлиги олдиндан режалаштирилиб, тизим ўз ишини бажаради, деҳқон фақат кузатиб туриши етарли.

Албатта, ҳар мавсум бошида қувурларни жойлаштириш ва мавсум охирида йиғиш, шунингдек, ҳар ҳафтада бир марта фильтрларни техник назоратдан ўтказиб, тозалаш лозим. Лекин бу ишларни амалга ошириш кейинги бир неча ой давомида суғориш муддати ва меъёрини дастурда белгилаш билан чекланган енгил



ГИДРОСИКЛОН

ЎҒИТЛАШ БОЧКАСИ

ҚУМЛИ ФИЛЬТР

МАНДОЛЛИ ҚУВУР

ТОМИЗҒИЧ

ТОМИЗҒИЧ ЛЕНТА

меҳнатга алмашади. Шу тариқа, қўллашдаги енгиллик нуқтаи назаридан томчилатиб ва ёмғирлатиб суғориш тизимлари анъанавий усулдан устун ҳисобланади.

Пиёзни **ёмғирлатиб суғориш** эса бу борада анча қулай. Агар замонавий марказий ёмғирлатгич ўрнатилган бўлса, уни фақат ишга тушириш ва назорат қилиш кифоя – қолган вазифани унинг ўзи мустақил бажаради. Яъни оғир жисмоний меҳнат талаб этилмайди, битта мутахассис мосламани ишлатади ва бутун майдон суғорилаверади. Бироқ оддийроқ (кичик) ёмғирлатгичлардан фойдаланаётганда, деҳқон сув пуркагични ҳудуддан-ҳудудга кўчириши керак бўлади.

Харажатлар: пиёзни турли суғориш усулларининг иқтисодий самарадорлиги ва фойдали томонларини таҳлил қилиш муҳимдир. Аввало, пиёзни **анъанавий эгатлаб суғориш усули** энг арзон усул бўлиб, уни жорий этиш учун деярли ҳеч қандай молиявий сарф талаб этилмайди. Мавжуд сув манбаи (канал ёки ариқ)дан сув олиб, шунчаки ерда эгатларга йўналтириб қўйиш кифоя. Махсус ускуна ва жиҳозлар сотиб олиш шарт эмас, мавжуд имкониятдан фойдаланган маъқул.

Бироқ сув лимитланган ёки пуллик бўлса, эгатлаб суғориш усулининг қиймати ортиб кетади. Чунки у бир хўжалик учун белгиланган сув меъёридан ошиб кетиши ёки сувни талон-торож қилиб, қимматбаҳо ресурсни зоя кетказиши мумкин. Шу билан бирга, пиёзни суғоришда сувни ҳаддан ташқари кўп ишлатиш кейинчалик ернинг шўрланиши каби муаммоларга ҳам олиб келиши эҳтимоли бор, бу эса иқтисодий зарар келтиради.

Пиёзни томчилатиб суғориш эса, албатта, дастлабки харажатлар жиҳатидан қиммат ҳисобланади. Чунки тизимни қуриш учун томчилатиб суғориш лента ёки қувурлар, насос, фильтрлар ва бошқа асбоб-ускуналар хариди талаб этилади. 1 гектар ер майдонига бундай жиҳозлар учун анча маблағ сарфлашга

тўғри келади (айрим ҳисоб-китобларга кўра, тупроқ шароити ва тармоқларга боғлиқ ҳолда бир гектар учун бир неча миллион сўмдан ўн миллион сўмгача сарф бўлади). Лекин бу сармоя ўзини оқлаши мумкин.

Пиёзни томчилатиб суғориш сув сарфини кескин камайтириб, сув учун кетадиган харажатни пасайтиради. Шунингдек, пиёз парваришида (ўғитлаш, касаллик ва зараркунандалар, бегона ўтларга қарши курашиш) харажатларнинг қисқариши, ҳосилнинг ортиши томорқа ер эгалари ва фермернинг даромадини ошириб, сарфланган маблағни бир неча мавсумда қайтариши мумкин. Томчилатиб суғоришда қувур ва томизғичлар, одатда, бир неча йил хизмат қилади (сифатли материал бўлса 5–7 мавсумгача фойдаланса бўлади), шу боис йиллик сарф ҳисобланганда у қадар қиммат эмас.

Пиёзни ёмғирлатиб суғориш тизими ҳам муайян харажат талаб қилади. Масалан, кичик ёмғирлатгич мосламаларни фермер ўз имкони билан ясаб олиши ёки арзонроқ нархда сотиб олиши мумкин, лекин катта майдонлар учун мўлжалланган автомат “Center Pivot” тизимлари анча қиммат туриши табиий. Бундай юқори технологияли ускуналарни сотиб олиш фермер-хўжалик ёки

кластер учун катта сармоя талаб қилади, лекин у катта майдонларда меҳнат ва сув тежаб, иқтисодий фойда келтиради.

Масалан, хориждан олиб келинадиган “Center Pivot” комплекси юз гектарлаб ерни суғорса, унинг эвазига бир неча сув насос агрегати ва ўнлаб ишчи кучи харажатлари келтирилади. Ўзаро солиштирилса, кўп ҳолларда бундай тизим ўзини оқлайди. Ёмғирлатиб суғоришда яна электр энергияси ёки ёқилғи сарфи ҳам борлигини унутмаслик жоиз. Насос ва двигателларни ишлатиш учун қўшимча харажат ҳисобланади.

Хулоса қилиб айтганда, агар фермер сарф-харажатларни ва самарани чуқур таҳлил қилса, сувни тежовчи замонавий усуллар (томчилатиб ёки ёмғирлатиб суғориш) кўп жиҳатдан узоқ муддатда фойда беради. Албатта, ҳар бир хўжаликнинг шароити турлича. Пиёз етиштиришда агар сув арзон ва етарли бўлса-ю, молиявий имконият чекланган бўлса, анъанавий усулни маълум муддат давом эттириш мумкин. Лекин сув танқис ёки қиммат бўлган жойларда, шунингдек, ер унумдорлигини оширишни мақсад қилган фермерлар учун томчилатиб ва ёмғирлатиб суғориш технологиялари узоқ истиқболда ўз самараси билан харажатларни қоплаб беришга қодир тезкор ҳамда ишончли усуллардир.

3.1. Пиёз етиштиришда тупроқ намлигини сақлаш усуллари

Пиёз етиштиришда тупроқ юзасини мульчалаш муҳим тадбирлардан бири ҳисобланади. Тупроқ юзасини гўнг, торф, похол, шоли қипиғи, полиэтилен плёнка ва бошқалар билан юпқа қилиб ёпиш мульчалаш дейилади. Пиёзни етиштиришда мульча сифатида кўпроқ чириган гўнг, похол, шоли қипиғи, ёғоч қириндисидан фойдаланиш мумкин.

Пиёз етиштиришда мульча уруғларнинг тезроқ униб чиқиши, қатқалоқ бўлишининг олдини олиши ҳамда ниҳолга ўғит сифатида бошқа фойдали томонлари ҳам аниқланган. Шу билан бирга,

пиёз учун сув намликка бўлган талабини қондиришда сувнинг буғланишининг олдини олиш ҳамда ҳарорат ўзгаришининг суткалик амплитудасини камайтиради. Бир сўз билан айтганда, намликни сақлайди ва микроиқлим яратади. Айрим мульчалар, ҳаттоки, бегона ўтларнинг ўсишига тўсқинлик қилади.

Сенсор ва автоматик бошқарув тизимларидан фойдаланиш. Автоматлаштирилган ва смарт-суғориш тизимлари – бу сувни тежаш, ҳосилдорликни ошириш ва меҳнат унумдорлигини яхшилашга қаратилган интенсив технологиялардир. Бу тизимлар суғориш жараёнини сенсорлар, сунъий интеллект ва интернет орқали бошқариш имконини беради.

Автоматлаштирилган суғориш тизимлари қуйидаги асосий қисмлардан иборат:

- Намлик сенсорлари – тупроқдаги намлик миқдорини ўлчаб, сув қачон ва қанча кераклигини аниқлайди.
- Ҳарорат ва ҳаво намлиги сенсорлари – ҳаво ҳарорати ва намлигини назорат қилиб, суғоришни айни вақтда автоматик тарзда бошқаришга ёрдам беради.
- Смарт клапанлар – сув оқимини автоматик тарзда очади ёки ёпади.

- Контроллер (идоралаш маркази) – фермер телефон ёки компьютер орқали тизимни бошқаради.
- Фертилизация модули (ўғит билан суғориш) – ўғитларни сув билан аралаштириб, уни ўсимликларга жўнатади.

Автоматлаштирилган суғориш турлари.

- Вақтга асосланган автоматик суғориш – белгиланган вақтда суғоришни автоматик тарзда амалга оширади.
- Намлик сенсори асосида ишлайдиган суғориш – тупроқдаги намлик даражаси камайганда, автоматик равишда суғоришни бошлайди.
- Иқлим шароитига асосланган суғориш – ҳаво намлиги ва ҳароратини ўлчаб, суғоришни автоматлаштиради.

Смарт-суғориш тизимлари. Смарт-суғориш – бу автоматлаштирилган суғориш тизимининг янада такомиллаштирилган тури бўлиб, сунъий интеллект ва интернетга уланган сенсорлар орқали ишлайди.

Смарт-суғоришнинг афзалликлари:

- Сувни 50% гача тежаш – намлик сенсорлари сувдан фақат зарур миқдорда фондаланишига ёрдам беради.
- Ҳосилдорликни 20–30% га ошириш – суғориш ва ўғит беришни автоматлаштириш орқали юқори ҳосил олишга эришиш мумкин.
- Фермер учун қулайлик – телефон ёки компьютер орқали суғоришни кузатиш ва бошқариш имконияти.
- Ҳаво прогнози ва сенсорлардан маълумот олиш – суғориш автоматик равишда иқлим шароитига мослаштирилади.
- Оғриқли нуқталарни аниқлаш – дронлар ёки сенсорлар орқали сув кам бораётган жойларни аниқлаш мумкин.

Смарт-суғориш тизимининг асосий қисмлари:

- IOT (Интернет орқали идора қилиш) – суғориш тизими интернетга уланиб, смартфон орқали бошқарилади.
- GPS ва дронлар – далани аниқ харитага тушириш, қайси жойда сув кўпроқ ёки камроқ кераклигини таҳлил қилиш.
- Big Data ва сунъий интеллект – суғориш маълумотлари таҳлил қилиниб, энг самарали стратегияни танлайди.
- Қандай қилиб смарт-суғоришни жорий қилиш мумкин?
- Қадамма-қадам жорий этиш:
- Сув таъминотини баҳолаш – қайси суғориш усули мос келиши аниқланади.
- Сенсорлар ўрнатиш – намлик, ҳарорат, тупроқ ва сув сенсорлари ўрнатилади.
- Смарт-идоралаш тизими ўрнатиш – контроллер ва интернетга уланган бошқарув модулини ўрнатиш.
- Мобил иловага улаш – фермер смартфон ёки компьютер орқали тизимни кузатиши мумкин.
- Синов ва оптималлаштириш – суғориш тизими маълум вақт синовдан ўтказилиб, энг самарали стратегия танланади.

Смарт-суғориш тизимини жорий қилишнинг самарадорлиги
Даромад ва самарадорлик:

- Сув тежамкорлиги 50% гача қисқариши мумкин;
- Ҳосилдорлик 20-30% га ошади;
- Меҳнат ресурсларини тежаш 60-70% гача ошади.

Хулоса

- Автоматлаштирилган ва смарт-суғориш тизимлари сувни тежайди, меҳнат унумдорлигини оширади ва пиёз ҳосилдорлигини кўпайтиришга имконият яратади.
- Смарт-суғориш технологиялари сенсорлар, сунъий интеллект ва интернет орқали назорат қилинади.
- Агар сиз катта майдонда пиёз етиштиришни режалаштираётган бўлсангиз, смарт-суғориш тизими энг самарали ва узоқ муддатли фойдали инвестиция бўлиши мумкин.

4. ПИЁЗНИ СУҒОРИШ РЕЖАСИ

4.1. Пиёзни ўсув даврларига қараб суғориш меъёрлари

Уруғ униб чиқиш босқичи (ниҳоллантириш). Пиёз уруғидан ниҳол пайдо бўлиш босқичида тупроқ доимо нам бўлиши лозим. Ниҳоллантириш даврида тупроқнинг юқори қатлами қуриб кетмаслиги муҳим ҳисобланади, чунки пиёз уруғи саёз (юза 0,5-1,0 см) экилади ва унинг майда илдизлари тупроқ юзасига яқин қатламдан озиқланади. Агар экишдан кейин тупроқ қуруқ бўлиб қолса, уруғларнинг униб чиқиши сустлашиб, ниҳоллар сийрак бўлиб қолади. Шунинг учун бу даврда тупроқни **доимий нам** сақлаш керак. Аммо меъёридан ортиқ суғориб юбориш ҳам ярамайди – тупроқ ҳаддан ташқари нам бўлса, уруғ чириб кетиши ёки унга ҳаво етишмай қолиши мумкин. **Ёш ниҳолларни** тез-тез, лекин оз-оздан суғориш тавсия этилади, шунда сув ўсимлик илдизлари чуқурлигидан пастга ювилиб кетмайди. Бу усул билан уруғ яхши униб чиқади ва соғлом ниҳоллар ҳосил бўлади.

Барг ва поя ривожланиш босқичи
(вегетатив ўсув даври)

Ниҳоллар пайдо бўлиб, **пиёз ўсимлиги барг чиқариш босқичига** ўтади. Бу даврда пиёз кўпроқ барг ва поя массаси ҳосил қилади. Барглар ўсиши даврида тупроқ намлигини бир меъёрда ушлаб туриш зарур. Бу даврда тупроқ ортиқча қуруқ ёки ҳаддан зиёд нам бўлмаслиги лозим. **Сув етишмовчилиги** бу босқичда ўсимликнинг меъёрда ўсишини тўхтатиб, пиёзбошининг эрта пайдо бўлишига сабаб бўлади. Масалан, тупроқда намлик етарли бўлмаса, пиёзнинг ўсиши эрта тўхтаб, ўсимлик муддатидан олдин пиёзбош шакллантиришга ўтади. Натижада барглар камроқ бўлиб, пиёз боши кичикроқ бўлиб қолади ва умумий ҳосил камаяди. Шу боис, ўсув

даврида ўсимлик катталашган сари бериладиган сув миқдорини ошириб бориш лозим. Одатда, пиёз кўчатлари кичик пайтда уларни тез-тез ва меъёрида суғориб турилади, ўсимлик ривожланган сайин эса сувни кўпроқ миқдорда бериш керак бўлади.

Бироқ, **ортиқча суғориш** ҳам барг поя ўсиши босқичида салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Тупроқ ҳаддан ташқари нам бўлса, илдизларга ҳаво етишмай қолади ва улар чиришга мойил бўлади. Шунингдек, барглар доим нам бўлиб туриши замбуруғли касалликларнинг ривожланишини тезлаштиради. Масалан, юқори намлик шароитида пиёзда переноспороз (замбуруғли касаллиги) ёки бошқа чириш касалликлари тарқалиши хавфи ортади. Шунинг учун вегетатив даврда ҳам суғоришни меъёрида амалга ошириб, тупроқ намлигини мақбул даражада ушлаб туриш керак. Бу даврда нотўғри суғориш (сувни жуда кам ёки ҳаддан зиёд бериш) ўсимликнинг кучсиз ўсишига олиб келиб, келгусида ҳосилга салбий таъсир қилади.

Пиёзбош шаклланиш босқичи
(пиёзбошнинг ҳосил бўлиши)

Пиёзнинг ўсув даври яна бир муҳим босқич – **пиёзбош шаклланиш босқичидан иборат** бўлиб, айнан шу пайтда ҳосил ҳал бўлади. Барглар етарлича ўсиб ривожлангач, ўсимлик озуқани пиёзбошига йиға бошлайди ва пиёзнинг бош қисми катталашиб, етилиб боради. Бу **энг кўп сув талаб қилинадиган** давр ҳисобланади. Пиёз бошини шакллантириш жараёнида тупроқ доимо нам бўлиб туриши керак. Намлик етишмовчилиги бўлса, ҳосил жиддий камаяди. Тадқиқотларга кўра, бу критик даврда (хусусан, ҳаво жуда иссиқ бўлганда) пиёз экинига ҳафтасига 38–50 мм сув сарфланиши мумкин. Агар бу босқичда сув етишмаса, пиёзбошларнинг ўсиши сустлашади – улар **майда** ва қаттиқ бўлиб қолади. Айрим ҳолларда бошларнинг **ёрилиши** ёки бир неча майда **икки-уч бўлиб болалаб кетиши** (икки ёки ундан ортиқ бошчалар ҳосил бўлиши) кузатилади. Сув танқислиги

шароитида пиёз ўсимлиги транспирация (барг орқали сув буғлатиш) ва фотосинтез жараёнларини қисқартиради. Агар бундай стресс узоқ давом этса, ўсиш суръати пасайиб, кутилаётган ҳосил анча камаяди.

Шу билан бирга, **ҳаддан ташқари кўп сув бериш** ҳам бу босқичда маъқул эмас. Доимий намлик пиёзбошнинг юмшоқ ва сувга тўйиб кетган бўлишига олиб келади, бу эса кейинчалик пиёзнинг сақланиш муддатини қисқартиради (жуда нам бўлган пиёзбошлари омборхонада тез чирийди). Ортиқча нам шароит тупроқда озуқа моддаларининг ювилиб кетишига ҳам сабаб бўлиб, пиёз сифатига салбий таъсир кўрсатади. **Мақбул ҳолат** – пиёзбош катталашиб бориши учун тупроқ намлигини меъёр даражасида доимий сақлаш, лекин ўсимлик “чўкиб” қолмаслиги (яъни, ҳаво айланиши чекланмаслиги) керак.

Ҳосил пишиши (етилиш) босқичи

Пиёзнинг сўнгги ривожланиш палласи – **ҳосилнинг пишиш, етилиш босқичи**. Бу пайтда пиёзбошлар ўзининг йирик ўлчамига етиб, қобиғи қотиб, поя-барглари сарғайиб кетадиган даврдир. Мазкур босқичда пиёзга кўп сув керак бўлмайди. Аксинча, ҳосилни йиғиб олишдан **2-3 ҳафта олдин суғоришни камайтириш, сўнгра бутунлай тўхтатиш тавсия этилади**.

Тажрибада пиёзни йиғим-теримдан **15–21 кун олдин** суғоришни тўхтатиш маъқул эканлиги кўрсатилган. Суғоришни эрта тўхтатиш пиёз бошларининг яхши қуриб, пишиб етилишига ёрдам беради ва ортиқча намлик туфайли уларнинг чириб кетишининг олдини олади. Агар бу босқичда ҳам ер ортиқча суғорилаверса, пиёз поялари қуримайди, бошларнинг пўстлоғи юмшоқ бўлиб қолади ва йиғим вақтида кўпроқ шикастланиши мумкин. Бундан ташқари, кеч пишиш даврида ортиқча сув бериш пиёзнинг яна “ўсиб кетишига” (янги илдиз ва барг чиқара бошлашига) сабаб бўлиши мумкин, бу эса ҳосил сифатини пасайтиради. Шундай қилиб, ҳосил пишиши босқичида суғоришнинг тўғри бошқарилиши – пояларнинг тўлиқ қовжираб қуриши ва пиёзбошларнинг қаттиқлашиб, сақлашга тайёр бўлишини таъминлаш лозим.

4.2. Сувни тежаш ва мақбул суғориш стратегиялари

Пиёз экинини бутун ўсув даври давомида меъёрида суғориб бориш юқори ҳосил гаровидир. Пиёз ўсув даврида жами 360–600 мм ёки 7200-9500 метр куб атрофида сув талаб қилади. Тажриба ва илмий маълумотлар шуни кўрсатадики, мунтазам суғориб турилган пиёз далалари суғорилмаган лалми ердагига нисбатан **25–50% гача кўпроқ** ҳосил бериши мумкин. Демак, сувни ўз вақтида ва тўғри миқдорда бериш ниҳоятда муҳим. Сув етарли бўлса, пиёзбошларининг ўсиши ва катталиги барқарор бўлиб, ҳосил бир хил йирик ва сифатли чиқади. Сув тақчиллиги эса ўсимликка дарҳол салбий таъсир қилади, барглар кичраяди ёки қурийди, фотосинтез сустлашади, ўсиш жараёни секинлашади ва якунда ҳосил камаяди. Бошқа томондан, **ортиқча суғориш** тупроқдан озуқа моддаларини ювиб, беҳуда исроф бўлишига ҳамда пиёзда турли касалликларнинг келиб чиқишига шароит яратади. Шунинг учун **ҳар бир ўсиш босқичида талаб этилган миқдорда ва иқлим-тупроқ шароитига мос оралиқда** суғориш энг тўғри ёндашувдир. Бу нафақат сувни

тежайди, балки пиёздан юқори ҳосил олиниши ва сифатли маҳсулот етиштирилишини таъминлайди.

Иқлим ва тупроқ шароитига қараб сувга бўлган эҳтиёж. Пиёзни суғориш тартибига ҳар бир ҳудуднинг иқлим ва тупроқ хусусиятлари таъсир қилади. Қуруқ ва нам иқлим шароитларида пиёз экинига сув бериш усуллари ва оралиғи бир-биридан фарқ қилади. Худди шу каби, тупроқнинг тури (масалан, қумлоқ ёки ўтлоқи ботқоқ тупроқ) сувни узоқ ушлаб туриш хусусиятини белгилайди. Қуйида турли иқлим ва тупроқ шароитларида пиёзнинг сувга эҳтиёжи ва суғориш услублари ҳақидаги тавсиялар мисоллар билан келтирилади.

Пиёз суғоришда сув ва тупроқ таҳлилининг аҳамияти. Пиёз етиштиришда суғориш учун фойдаланиладиган сувнинг сифати ва тупроқ ҳолати ҳосилдорликка бевосита таъсир қилади. Шу боисдан фермерлар пиёз далаларида суғоришни тўғри ташкил этиш учун ҳам сув, ҳам тупроқ таҳлили натижаларидан фойдаланишлари зарур.

